

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

НАЖМИДИНОВА ГУЛНОЗА ОДИЛОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ БОҒЛАНИШЛИ
НУТҚИНИ ТАБАҚАЛАШГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor
of philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Нажмиддинова Гулноза Одиловна

Мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини табақалашган
ёндашув асосида ривожлантириш технологиясини
такомиллаштириш..... 3

Нажмиддинова Гулноза Одиловна

Совершенствование технологии развития связной речи дошкольников при
дифференцированном подходе к обучению 24

Najmiddinova Gulnoza Odilovna

Improvement of the technology of development of connected speech of
preschoolers with a differentiated approach to teaching..... 47

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works..... 53

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

НАЖМИДИНОВА ГУЛНОЗА ОДИЛОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ БОҒЛАНИШЛИ
НУТҚИНИ ТАБАҚАЛАШГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped.1516.рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.mdomoi.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Рўзиева Дилноз Исомжоновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Исмадияров Яшин Уткирович**
педагогика фанлари доктори, доцент

Ҳакимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "2" апрел соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. җил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 6 җил: (+99871) 150-01-27; факс: (+99871) 150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Тел.: (+99871) 150-01-27; факс: (+99871) 150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил "19" март куни тарқатилди.
(2022 йил "19" март даги 6 -рақамли реестр баённомаси).

Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раҳбари, профессор

М.С.Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раҳбари, илмий котиби, филология фанлари доктори (PhD), доцент

Ф.Р.Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раҳбари, семинар раиси, п.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, жисмоний, ахлоқий-эстетик ривожлантириш, мактабгача таълим ташкилотларида мослашувчан ва табақалашган таълимни самарали жорий этиш моделларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларни саводга ўргатиш, уларнинг нутқини ривожлантириш, коммуникатив саводхонлигини ошириш, ёш даври хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мулоқотчанлик кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт таснифида (ISCED – International Standard Classification of Education)¹ мактабгача ёшдаги болалар учун ишлаб чиқилган таълим дастурлари тарбиячилар раҳбарлигида ижодий ва ўйин шаклидаги машғулотлар воситасида тарбияланувчиларни интерактив мулоқотга киришишлари учун имкон бериши лозимлиги алоҳида белгилаб берилган.

Дунёда таълим-тарбиянинг интерфаол технологияларини қўллаш орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, интегратив ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, оила ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамкорлиги асосида болаларнинг нутқини ривожлантиришга доир коррекцион таъсир кўрсатиш самарадорлигини ошириш, тарбияланувчиларда оғзаки ва дастлабки ёзма нутқни ривожлантиришда интерактив воситалардан фойдаланиш механизминини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, мактабгача таълим ташкилотларида шахсга йўналтирилган ва табақалашган ёндашувларни самарали қўллаш асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш технологияси ҳамда методик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикамизда мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, таълим-тарбия жараёнларига инновацион ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга, “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастурига мувофиқ, болалар “Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари” соҳасига доир ўз нутқида тўғри талаффуз, қулай грамматик шакллар ва хилма-хил гап конструкцияларидан фойдаланиш, сўзнинг луғавий, бўғинли ва фонетик тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, турли маъно шаклларини мустақил равишда тузиш ва сўзлаб бериш компетенцияларини ўзлаштиришлари кераклиги аниқ белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

¹ International Standard Classification of Education (ISCED 2011) // General Conference 36th session. – Paris, 2011. – 89 p.

концепциясида “Мақтабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мақтабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса, мақтабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг психологик-педагогик ва методик хусусиятларини аниқлаштириш, боғланишли нутқни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4312-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биз тадқиқотимизни амалга ошириш жараёнида диссертация муаммосига дахлдор ишларни гуруҳларга бўлиб тадқиқ қилдик.

Республикаимиз олимларидан Ф.Қодирова, Р.Қодирова, Д.Бабаева, З.Азизова, Г.А.Бердалиева, Н.Абдуллаева, Г.Назирова, М.Аъзамова, М.Бердиева, С.Раҳимова, Д.Абдураҳимова, М.Хушназарова, Ф.Валихўжаева, К.Мамедов, М.Машарипова, Н.Нурмухамедова, Н.Режаметова, Д.Рўзиева, Д.Собирова, И.Туйчиева, М.Умарова, М.Ҳалимова, Т.Чаброва, Ш.Шодмоновалар томонидан ахлоқий-эстетик, экологик тарбия жараёнида болаларнинг нутқини ривожлантириш, фикрлаш фаоллигини ошириш, диалогик нутқни ривожлантириш омиллари, назарий-методик асослари, нутқ ўстириш жараёнларига табақалашган ёндашувни татбиқ этиш масалалари ёритилган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан О.Александрова, А.Арушанова, О.Бережная, О.Бизикова, В.Гербова,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – Т., 2019. – 10 май. – 07/19/4312/3106-сон.

Т.Захарова, И.Лебедова, Т.Ломбина, Е.Судакова, М.Ушакова кабиларнинг тадқиқотларида болаларнинг фикрлаши ва нутқи, диалогик мулоқотни ривожлантириш, нутқни ривожлантиришнинг ижтимоий мослашувга таъсири, монологик нутқни ривожлантириш, нутқ ўстириш машғулотларида сюжетли расмлардан фойдаланиш, боғланишли нутқни ривожлантиришнинг лексик-грамматик воситалари, нутқни ривожлантиришда интеграллашган машғулотлардан фойдаланишнинг методик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан J.Christie, B.Enz, C.Vukelich, J.Fellowes, G.Oakley, E.Hoff, M.Jalongo, C.Kress, J.Machado, B.Otto кабиларнинг тадқиқотларида ўқиш ва ёзишнинг элементар асослари, болалар тил таълимининг ўзига хосликлари, тил ўргатиш санъати, илк ривожланиш даврида нутқни ривожлантириш, болаларни ўрганишга ўргатиш масалаларига эътибор қаратилган.

Бироқ таълимга табақалашган ёндашувни татбиқ этиш орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришнинг лингводидактик асослари, методик хусусиятлари, алгоритмик босқичлари, комплекс таъсир даражалари, локал-модулли технологияси махсус тадқиқ этилмаган. Мазкур ҳолат таълимга табақалашган ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълимга табақалашган ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълимга табақалашган ёндашувни татбиқ этиш асосида болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш жараёнлари моҳиятини аниқлаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришнинг метакогнитив тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти 5-7 ёшли болаларнинг боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотларининг 421 нафар респондент-тарбияланувчилари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш жараёни, модели ва технологияси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий, танқидий таҳлил, педагогик кузатиш, социометрик (суҳбат, анкета, интервью), педагогик эксперимент, математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг индивидуаллигини ўрганиш, вариатив ва гуруҳий иш шакллариининг қайта алоқага киришув даражаси интенсифлигини бевосита ҳисобга олиш асосида табақалашган ёндашувни татбиқ этиш орқали болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш жараёнлари босқичлари (мотивацион, когнитив, фаолиятга доир) ва педагогик шартлари аниқлаштирилган;

тарбияланувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишнинг нафақат ташқи объектга, балки шахсий когнитив жараёнларга бевосита боғлиқ эканлигини эмпирик асослаш орқали мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг метакогнитив тузилмаси махсус диалектик ақлий ҳаракатлари (умумлаштириш, воситачилик, трансформация, давомийлик, муқобилига алмашинув) аниқлаштирилган;

атроф-муҳит билан алоқани ўрнатиш, мулоқотга киришиш воситаси сифатида коммуникативлик, тил тизимларини таққослаш билан боғлиқликда ситуативлик, луғат бойлигини ошириш, тинглаш ва гапириш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган дидактик машғулотлар ҳамда тарбиявий тадбирлар интеграциясини таъминлаш орқали табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

расмлар асосида болалар билан суҳбат ўтказиш, идрок этиш тизими бўйича болаларни баён қилишга ўргатиш, диалогик, грамматик, монологик нутқ, идрок ва хотирани ривожлантиришга доир адаптив кейс топшириқларини ишлаш орқали табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг Imagination (Тасаввур қил) ва “Talking and play” (Сўзла ва ижро эт) технологиялари ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

мактабгача катта ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

стрим технологияси асосида 5-7 ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш бўйича дидактик таъминот захираси яратилган;

мактабгача таълим йўналишида таҳсил олувчи талабалар, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи-педагоглари ва услубчилари учун мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришга қаратилган “Болалар нутқини ўстириш” ҳамда “Дошкольная педагогика” номли ўқув қўлланма яратилган;

табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг Imagination (Тасаввур қил) ва “Talking and play” (Сўзла

ва ижро эт) технологиялари ишлаб чиқилган, “Развитие связной речи дошкольников” номли услубий қўлланмада ўз аксини топган;

5-7 ёшли болаларнинг нутқий компетенциясини ривожлантиришга доир электрон ўқув ресурслари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “табақалашган ёндашув”, “индивидуаллаштириш”, “вариативлик”, “боғланишли нутқ”, “монологик нутқ”, “диалогик нутқ”, “грамматик нутқ” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, компетенциявий ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг ўзига хосликларини очиб берилганлиги, мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг психологик-педагогик, методик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, табақалашган ёндашув асосида 5-7 ёшли болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг дидактик имкониятларининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш жараёнлари босқичлари ва педагогик шартлари аниқлаштирилганлиги, болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг метакогнитив тузилмаси махсус диалектик ақлий ҳаракатлари механизмлари, дидактик машғулотлар ҳамда тарбиявий тадбирлар интеграциясини таъминлаш орқали табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш модели, табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг Imagination (Тасаввур қил) ва “Talking and play” (Сўзла ва ижро эт) технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табақалашган ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг индивидуаллигини ўрганиш, вариатив ва гуруҳий иш шакллариининг қайта алоқага киришув даражаси интенсивлигини бевосита ҳисобга олиш, табақалашган ёндашувни татбиқ этиш орқали болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш жараёнлари босқичлари ва педагогик шартларини аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5111800 – Мактабгача таълим бакалавриат йўналиши учун “Болаларни нутқини ўстириш” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020

йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-154-рақамли гувоҳнома) номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, бўлажак тарбиячиларни болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришда компетенциявий ёндашувни жорий этишга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

тарбияланувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишнинг нафақат ташқи объектга, балки шахсий когнитив жараёнларга бевосита боғлиқ эканлигини эмпирик асослаш, мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг метакогнитив тузилмаси махсус диалектик аклий ҳаракатларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5111800 – Мактабгача таълим бакалавриат йўналиши учун “Болалар нутқини ўстириш” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-154-рақамли гувоҳнома) номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда метакогнитив стратегияларни самарали қўллаш имконияти яратилган;

атроф-муҳит билан алоқани ўрнатиш, мулоқотга киришиш воситаси сифатида коммуникативлик, тил тизимларини таққослаш билан боғлиқликда ситуативлик, луғат бойлигини ошириш, тинглаш ва гапириш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган дидактик машғулотлар ҳамда тарбиявий тадбирлар интеграциясини таъминлаш орқали табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш моделини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5111800 – Мактабгача таълим бакалавриат йўналиши учун “Мактабгача педагогика” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-175-рақамли гувоҳнома) номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда табақалашган ёндашувни қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

расмлар асосида болалар билан суҳбат ўтказиш, идрок этиш тизими бўйича болаларни баён қилишга ўргатиш, диалогик, грамматик, монологик нутқ, идрок ва хотирани ривожлантиришга доир адаптив кейс топшириқларини ишлаш орқали табақалашган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5111800 – Мактабгача таълим бакалавриат йўналиши учун “Мактабгача педагогика” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-175-рақамли гувоҳнома) номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш, жумладан, 2 та ўқув ва 1 та услубий қўлланма чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни табақалашган ёндашув асосида ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида 5-7 ёшли болаларнинг боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида шакллантиришнинг умумий тавсифи ва муаммонинг мавжуд ҳолати баён этилган.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда табақалашган ёндашувни татбиқ этишнинг моҳияти тарбияланувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, уларнинг шахсий фаоллигини ошириш, лаёқати ва иқтидорини ҳисобга олиш асосида таълим-тарбия бериш жараёнини қулай олиб бориш шакллариининг вариативлигини таъминлашдан иборатдир.

Мактабгача таълимда табақалаштириш одатда, гуруҳларни шакллантириш жараёнида амалга оширилади: 1) махсус қобилиятлари, қизиқишлари ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиш асосида; 2) умумий ақлий ривожланиш даражаси ва саломатлик ҳолатини баҳолаш орқали.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбиявий ишларнинг муҳим йўналиши болани мактабга психологик-педагогик жиҳатдан тайёрлаш, уни рағбатлантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билишга қизиқишни ривожлантиришдир. Бу жараёнда табақалашган ёндашувнинг кичик гуруҳларда ёки индивидуал шаклда амалга оширилиши бола шахси, интилишлари ва имкониятларини ўрганиш, унга гуруҳда ишлашнинг турли шакллариини таклиф қилиш имконини кенгайтиради.

1-жадвал

Табақалашган ёндашув орқали болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш жараёнлари босқичлари

Боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш босқичлари	Педагогик шартлар	Тарбиячига зарур умумий компетенциялар	Натижа
<i>Мотивацион</i>	Болаларни индивидуал-психологик хусусиятларини очиб берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш; уларда билишга қизиқишни шакллантириш; “Мен” образини таркиб топтириш	Билим, кўникма ва малака; маҳорат; жавобгарлик; қизиқтира олиш; бола ривожланишининг психологик қонуниятларини билиш, болаларни кичик гуруҳларга бўлиб, интерфаол машқлар олиб бора олиш маҳорати	5-7 ёшли болаларда мулоқотчанликка қаратилган мотивацион босқични фаоллаштириш, гапиришга иштиёқ пайдо бўлади
<i>Когнитив</i>	Билим олишга қизиқишларини таркиб топтириш; билиш кўникмаларини шакллантириш; англаб гапириш малакаларни ривожлантириш	Давлат талабларига мос келувчи билимларга эга бўлиш; ўз устида доимий ишлаш; коммуникатив қобилиятларни таркиб топганлиги; янги кўникмаларга эга бўлиш салоҳияти	Болада боғланишли нутқини ифода этишга қаратилган билиш, англаш жараёнларни таркиб топтириш ва диалогик нутқини монологик нутққа ўтиш босқичининг фаоллашуви
<i>Фаолиятга доир</i>	Болаларда олган билимларини ўз фаолиятлари давомида қўллашга ўргатиш; болаларда мавжуд билимларини ривожлантириш эҳтиёжини таркиб топтириш	Ностандарт фикрлаш қобилияти; таълимга табақалашган ёндашувни қўллай олиш маҳорати, интерфаол ўйинлар ёрдамида нутқ машқларини олиб бориш	Боланинг боғланишли нутқини тўғри, раво ифода этиш, тенгдошлари ва катталар олдида ўзининг ҳис-туйғуларини мақсадли акс эттира олиш ва коммуникацион қобилиятларни ўз фаолиятида мунтазам ва эркин қўллай олиши

Мактабгача таълим шароитида болалар нутқини ривожлантириш мазмунини бойитиш мақсадида тадқиқот доирасида боғланишли нутқ концепцияси таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

“Боғланишли нутқ” атамаси яхлит, кенг қамровли, объектив ифода (мантиқий бирлаштирилган жумлаларнинг тартиби)ни қамраб оладиган,

алоқа ва ўзаро боғлиқликка эга уйғунликни англатади. Боғланишли нутқ бу бола нутқининг барча муҳим қирраларини акс эттирувчи нутқдир.

Таҳлиллар асосида “мактабгача ёшдаги боланинг боғланишли нутқи” тушунчасига қуйидаги тарзда муаллифлик таърифи берилди: мактабгача ёшдаги боланинг боғланишли нутқи – қисқа, бола ёшига мос матнларни оғзаки қайта сўзлаб беришда қисқартмаларсиз, меъёрида ижодий тарзда ҳикоя қилиб, бу жараёнда сўзлар, қўшимчалар, ёрдамчи ва боғловчилардан ўз ўрнида фойдаланган ҳолда диалоглар тузиш, берилган саволларга тўғри жавоб бера олиш қобилиятидир.

Ўтказилган изланишларга асосланиб, 5-7 ёшдаги болаларда табақалашган таълим орқали боғланишли нутқни ривожлантиришнинг методик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаганлиги сабабли, уни ҳар томонлама ўрганиш зарур, деган хулосага келинди.

Таълимга табақалаштирилган ёндашувга биз қуйидагича муаллифлик таърифи берганмиз ва тадқиқот ишларида бу принципга таянганмиз:

Табақалаштириш – бу самарали натижа олиш мақсадида бирон бир мавжуд яхлитликни индивидуал таъсир эта оладиган кичик гуруҳларга бўлиб иш олиб бориш усулидир.

Гуруҳ тарбияланувчиларининг алоҳида индивидуал хусусиятларининг тавсифига таяниб, табақалашган ёндашув орқали болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш жараёнларининг мотивацион, когнитив, фаолиятга доир босқичлари ва педагогик шартлар аниқланди.

Тадқиқот давомида ҳар бир мактабгача ёшдаги болада табиатан мулоқотга интилиш эҳтиёжи мавжуд бўлиб, фарқи уларнинг турли хил даражада ривожланганлигида, деган хулосага келинди ва МТТда таълим-тарбиянинг вазифаси боланинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, керакли педагогик шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир боланинг қизиқиши ва билиш даражасига мос бўлган мавзуларни танлаш орқали шу эҳтиёжни юзага чиқара билишдан иборатлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни табақалашган ёндашув асосида ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида 5-7 ёшдаги болаларда табақалашган ёндашув асосида боғланишли нутқни ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ўрганилган, мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг метакогнитив тузилмаси махсус диалектик ақлий ҳаракатлари (умумлаштириш, воситачилик, трансформация, давомийлик, муқобилига алмашинув) орқали аниқлаштирилган ҳамда муаллифлик дидактик тренажёрининг педагогик имкониятлари ёритиб берилган.

Педагогик психологияда метакогнитивликка билиш ҳақида билиш деб таъриф берилади. Бошқача қилиб айтганда, метакогнитив қобилият бу тафаккур ҳақида тафаккур қила олиш маҳорати бўлиб, бунда билиш жараёнларининг энг юқори даражалари намоён бўлади. Боғланишли нутқни ривожлантиришнинг метакогнитив малакасини биз фикрнинг бориши ҳақида, уларнинг тўғри ёки нотўғри йўналишда эканлигини мулоҳаза қила олишлари даражаси деб таърифладик. Демак, табақалашган ёндашув асосида

болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш – нутқи суст ривожланган болаларни босқичма-босқич ўз фикрини умумлаштириш, воситачилик, трансформация, давомийлик, муқобилига алмашинувга ўргатиш орқали метакогнитив даражага олиб чиқиш деган хулосага келинди. Метакогнитив жараёнлар эса билиш, қизиқиш, англаш, такрорлаш, тафаккур қилиш, метакогнитив фикрлаш орқали шаклланишини аниқладик.

Тадқиқотларимиз давомида мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришнинг метакогнитив структураси ва компонентларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

2-жадвал

Мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришнинг метакогнитив структураси ва компонентлари

№	Метакогнитив структура ва компонентлар	Болага табақалашган ёндашув шакллари
1	Боладаги мавжуд билим, тажрибани умумлаштириш асосида нутққа нисбатан онгли муносабат шаклланиши	Нутқ ўстиришга қаратилган машғулотлар орқали
2	Фикрини мустақил баён қилиш, суҳбатдошни англаш ва муносабатларда психологик эркинликнинг шаклланиши ва ривожланиши	Кундалик сўзлашувлар орқали, сахна кўринишлари, байрам тадбирларида
3	Воқеа-ҳодисаларга нисбатан фикр билдира олишга метакогнитив қобилиятининг таркиб топиши	Катталар билан бевосита мулоқот орқали; махсус тизимли психологик-педагогик машғулотлар орқали
4	Мақсадга йўналтирилган танқидий метакогнитив фикрлашнинг шаклланиши	Диалогик нутқни мустақил равишда монологик нутққа айлантириш метакогнитив малакасининг шаклланиши жараёнларида

Юқоридагилардан кўришиб турибди-ки, мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқнинг шаклланиши боланинг сўзамоллиги, билиш даражаси, тафаккури, метакогнитив фикрлаши, қизиқиши, англаши каби омиллар билан боғлиқ, унинг ақлий ва нутқий қобилиятларига қараб ҳар хил табақалашган ёндашув асосида шуғулланиш самарали бўлади.

Табақалашган ёндашув асосида болаларнинг боғланишли нутқни ривожлантиришда индивидуал ёндашувнинг турли хил вариантлари қўлланилади:

1) тарбияланувчиларнинг умумий характеристикаси ёки хусусиятлари асосида нисбатан бир хил гомоген гуруҳларни шакллантириш;

2) интенсив ёки секин суръатларда ўқитиладиган ўқув машғулотини олиб бориш;

3) гетероген гуруҳда ўқув вазифаларини кичик гуруҳларга ажратиш орқали индивидуаллаштириш.

Тажриба-синов ишларимиз ҳар хил билим даражасига эга гетероген гуруҳ ичидаги вазифаларни кичик гуруҳларга ажратиш орқали индивидуаллаштириш ушбу ташкилий шаклларида энг универсали эканлигини исботлади.

Бундай кичик гуруҳлар тузилганда, диққат, идрок, хотира ва нутқнинг индивидуал фарқлари ҳисобга олинади. Шу билан бирга, тарбияланувчиларнинг вақтинча гуруҳларга бўлиниши муқим бўлмаслиги, уларни изоляцияга олиб келмаслиги, болаларнинг фақат битта кичик гуруҳда ишлашлари мулоқотга ўргатишда зарарли бўлиши мумкинлиги инобатга олинди. Мактабгача таълимда тарбияланувчиларни кичкина гуруҳга бирлаштирилганда индивидуаллаштиришнинг профилактик функциясидан максимал даражада фойдаланиш, барча тарбияланувчиларнинг қобилиятларини мунтазам равишда ривожлантириш, уларнинг умумий олдинга силжишини рағбатлантириш зарур деган ёндашув устуворлик касб этди.

Тажриба-синов ишлари учун табақалашган ёндашув асосида боғланишли нутқни ривожлантиришга йўналтирилган машқлар танлаганда қуйидаги тамойилларга асосландик:

1) мулоқотчанлик (мавзунинг ҳаётийлиги, индивидуал ёндашув, функционаллик, вазиятлилик, мулоқот муҳитининг қулайлиги);

2) қийинлик даражасининг босқичма-босқич ортиб бориши;

3) нутқ кўникмаларини шакллантириш босқичларининг ўзаро боғлиқлиги;

4) тарбияланувчининг тил билиш даражасини ҳисобга олиш (ижтимоий муҳит, нутқ ўстириш машғулотларида шаклланган кўникма ва малакалар).

Боғланишли нутқни рағбатлантиришга йўналтирилган тамойиллар асосида танланган машқларни табақалашган ёндашувга қуйидаги мезонлар асосида гуруҳлашга эришдик (3-жадвал):

3-жадвал

1- гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Камгап болалар (сўз бойлигини ва конструкцияларни яхшилаш учун)	Нутқи ўртача даражада, тортинчоқ (гапиришга узок тайёрланади, нутқида экспрессивлик йўқ)	Сўзамол болалар (ижодий фаолият)
Машқларнинг турлари		
Сўзларни тушунишга қаратилган	Аудио ёки видеоёзувдаги матнни қайтариш	Мавзу асосида диалог тузиш
Матндаги янги сўзлар билан ишлаш	Сўзларни тизимлаштириш, туркумлаштириш	Вазиятга оид монолог тузиш
Тайёр тасвир асосида сўзлар айтиш	Тасвир асосида ҳикоя қилиш	Мустақил тасвир танлаб, ҳикоя тузиш
Табақалашган гуруҳлар		
1-даража	Умумий жамоавий	

	топшириқлар	
2-даража	Табақалашган топшириқлар: А. Осон Б. Ўртача қийинликдаги В. Қийин	

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган табақалашган ёндашув асосида 5-7 ёшли мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқ фаолиятини ривожлантириш дастурининг замонавий психологик-педагогик тенденцияларга асосланган таълим шаклларида фойдаланишда янада самарали эканлигини исботладик.

Мактабгача таълим ташкилотида боғланишли нутқни ташкил этишга қулай шароитни таъминловчи фаолиятнинг махсус шакли экскурсия ҳисобланади. Болаларни кузатиш давомида диққатни ташкил қилишдан ижодий фикрлаш ва тасаввурни рағбатлантиришгача бўлган ҳар хил ривожланиш даражаларидаги болаларга мўлжалланган турли хил топшириқлар самарали эканлигига гувоҳ бўлинди.

Шунингдек, мактабгача педагогикада суҳбат кўпинча табиат ва атроф-олам билан танишишга ёрдам берадиган техника сифатида қўлланилади. Суҳбат жараёнида бола ўзининг кундалик ҳаёти жараёнида, шахсий кузатувлари ва фаолияти натижасида олган ғояларини умумлаштиради. Тарбиячи мунтазам равишда болага ҳақиқатни тўлиқроқ ва чуқурроқ идрок этишга ёрдам бериши зарур. Тажриба-синов ишларида расм асосида суҳбат ўтказиш технологияси самарали кечди.

4-жадвал

Расм асосида суҳбат ўтказиш технологияси

№	Мақсад	Табақалашган ёндашувга асосланган техника
1	Ҳаётий тажрибаларини фаоллаштириш орқали болаларни расмни идрок этишга тайёрлаш	Савол-жавоб, дастлабки суҳбат, расм ҳақида маълумот бериш, ҳаёт билан боғлаб тушунтириш
2	Боланинг расмни идрок этишига ёрдам бериш. Расмдаги тимсоллар ва персонажлар билан танишиш	Расмни намойиш қилиш; мустақил айтиб бериш, мустақил ўрганиш ва сюжет тузилишининг моҳиятини аниқлаш
3	Болаларнинг расмни идрок этиш жараёнини кузатиш	Расм асосида қисқа ҳикоя; саволлар; қўшимча фикр; мотивлаштириш
4	Хулоса, таассуротларни умумлаштириш, расм бўйича болаларнинг яқуний фикрларини эшитиш	Расм асосидаги яқуний ҳикоя, асар сюжети асосида хулоса қилиш, яхлит ҳикояни шакллантириш

Тадқиқотларимиз боланинг боғланишли нутқини ривожлантиришга табақалашган ёндашувни амалга оширишда юқори самара берган иккита муаллифлик технологияларни синовдан ўтказиш имконини берди.

Imagination (Тасаввур қил) технологиясини қўллашдан мақсад: 5-7 ёшли нутқи турлича даражада шаклланган болаларнинг тасаввурини кенгайтириш орқали боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир.

Ушбу технология қўлланилганда қуйидаги натижага эришилди: тарбияланувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини махсус диалектик ақлий ҳаракатлари – умумлаштириш, воситачилик, трансформация, давомийлик, муқобилига алмашинув орқали ташкил этиш ва назорат қилиш, болани ўйлашга, фантазияларини бойитишга ўргатилди;

5-7 ёшли болаларда ўзаро алоқани ўрнатиш, мулоқотга киришиш воситаси сифатида коммуникативлик, тил тизимларини таққослаш билан боғлиқликда ситуативлик, луғат бойлигини ошириш, тинглаш ва гапириш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган дидактик машғулотлар ҳамда тарбиявий тадбирлар интеграциясини таъминлаш орқали табақалаштирилган ёндашув асосида болаларда боғланишли нутқни ривожлантирилди;

5-7 ёшли нутқи турлича даражада шаклланган мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш жараёнини такомиллаштирилди;

боғланишли нутқи яхши ривожланмаган тарбияланувчиларни паст даражадан ўрта, ўрта даражадан юқори даражагача босқичма-босқич кўтаришга эришилди.

Мазкур технология боланинг боғланишли нутқини ривожлантиришда табақалашган ёндашувни қўллаш, нутқининг ривожланганлик даражасига қараб топшириқлар бериш, шунингдек, боланинг қабул қилиш (аудиал, визуал)ига қараб вазифаларни тақсимлашни назарда тутди. Болалар тарбиячи томонидан кичик гуруҳларга ажратилади. Ўйиннинг асосий шарти бола ўзини камситилган ҳис қилмаслиги нуқтаи назаридан осон ёки қийин топшириқ олувчи гуруҳ аъзоси бўлганлигини билиши шарт эмас, яъни болаларда “билимдонлар ва билмасвойлар гуруҳлари” каби тушунчалар шакланмаслиги учун гуруҳларга ажратиш жараёнида турли ўйин технологияларидан моҳирона фойдаланиши, услублар турлича бўлса-да, ҳамма баробар вазифа бажараётганига ишонтириши технологиянинг муҳим шартларидан саналади.

Нутқи тенгдошларига нисбатан “аъло” ривожланган деб баҳоланган болалар жамоасига улар учун таниш бўлмаган бадий асар қисман ўқиб эшиттирилади ва давомини ўзларининг фантазиялари, тасаввурларига кўра, яқунлашлари таклиф этилади. Берилган жавоблар жамоада таҳлил қилинади.

Боғланишли нутқи “яхши” мезонига тўғри келувчи гуруҳга бирон асар ёки эртак ўқиб эшиттирилади ва уларга эшитганларини кўмакчи суратлар ёрдамида тасаввур қилиб, яқунлашлари топшириғи берилади.

Боғланишли нутқи “ўрта” мезонига мос келувчи болажонларни сўзамонлик даражасини “яхши” ва “аъло” аъло даражаларга кўтариш мақсадини амалга ошириш учун уларга эртак ёки бадий асарни

аудиомослама воситасида эшиттирилади ва қайта ҳикоя қилиб беришда қўшимча саволлар ёрдамида бир неча хил боланинг фантазиясини кейгайтиришга ёрдам берадиган вариантлар таклиф этилади, бунда фото суратлар, расм, слайд ва анимациялардан фойдаланиш мумкин.

Боғланишли нутқи “паст” ёки “қониқарсиз” даражадаги болажонларга ўзларига таниш асарни видеомослама воситасида намойиш қилиб берилади. Болажонлар асарни томоша қилаётган вақтлари тарбиячи эпизодлар орасида видеони пауза қилиб, Агар ... бўлса-чи? Бошқача бўлиши мумкинми? Каби саволлар билан уларни муҳокамага чорлайди.

“Talking and play” (Сўзла ва ижро эт) технологиясини қўллашдан мақсад: болаларнинг боғланишли нутқини табақалашган ёндашув асосида ривожлантириш жараёнини уларнинг ўзига бўлган ишончини ошириш орқали такомиллаштиришдир.

Кутилаётган натижа:

мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига бўлган ишончини босқичма-босқич ошириб бориш, эркин мулоқотга кириша олишини таъминлаш;

креатив ёндашув асосида 5-7 ёшли болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун интерфаол ўйинлар орқали шарт-шароитлар яратиш;


болаларнинг эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва ўзларининг “Мен”ларини тўлиқ намоён қилишларида боғланишли нутқнинг барча имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатишдан иборатдир.

Мазкур технология болажонлар биронта асарни ўзлари саҳналаштириб кўрсатишлари, кўғирчоқлар ёрдамида театр кўринишига келтиришларини назарда тутди. Бунда қийинлик даражаси ҳар хил топшириқлар асосида болалар бадий асарни чиройли ва боғланишли нутқ орқали жонлантирадilar. Тарбиячи дастлабки босқичда болаларга ўйиннинг технологиясини тушунтириб, кўрсатиб бериши шарт. Кейин эса, бошқарувчи ролига ўтади ва болалар вазифани тушуниб олганликларига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ҳаттоки томошабин сифатида кузатиб ўтириши ва фақатгина зарурат юзасидан бадий нутқ (асардан парча, шеър ёки монологнинг калит сўзи ва ҳ.к.) орқали уларни йўналтириб юбориши ёки расм ва фотосуратларга мурожаат этиши мумкин бўлади. Бунда гетероген, яъни боғланишли нутқи ҳар хил даражада ривожланган болажонлар ҳар хил кичик гуруҳларда бирлашадilar:

- 1) диалогда қатнашади;
- 2) ёрдамчи расмлар кўмагида монолог айтади;
- 3) асардан парча айтади;
- 4) кичик аудиоёзув ёки видеоматериални қайтаради.

Янги технологияларни синовдан ўтказиш жараёнида мактабгача таълим ёшидаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришда рақамли ресурслардан фойдаланишнинг етакчи педагогик мақсадини аниқлаштириш зарур, деган хулосага келдик.

Тадқиқот доирасида 5-7 ёшдаги болаларда табақалашган ёндашув асосида боғланишли нутқни ривожлантириш модели такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. 5-7 ёшдаги болаларда табақалашган ёндашув асосида боғланишли нутқни ривожлантириш модели

Мазкур модел муаллифлик дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган топшириқлар тизимини экспериментал тарзда синаб кўриш имконини берди.

Диссертациянинг “**5-7 ёшли болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришда таълимга табақалашган ёндашув технологиясига оид тажриба-синов ишлари самарадорлигининг экспериментал таҳлили**” деб номланган учинчи бобда мавзуга доир тажриба-синов ишлари методикаси ва мазмуни ҳамда натижалари ёритиб берилган.

Мазкур бобда мактабгача ёшдаги болаларнинг фаол ва тўғри нутқини шакллантиришга қаратилган хилма-хил фаолият турларини ташкил этиш усуллари кўрсатилган. Шу билан бирга, кўзланган мақсадларни амалга оширишнинг асосий шарти – бу педагогик технологиялардан фойдаланишдир. 5-7 ёшдаги болаларни ўқитишга табақалашган ёндашув технологиясидан фойдаланган ҳолда боғланишли нутқни ривожлантириш методологияси оммавий машғулотларнинг махсус тури – барча болалар билан бир вақтнинг ўзида ишни режалаштириш ва амалга ошириш имконини берадиган, аммо ҳар бир бола нутқининг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда табақалашган ёндашувни жорий этишга имкон беради. Болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришда машғулотларни табақалашган кичик гуруҳларга ажратиш мезонлари ишлаб чиқилди:

5-жадвал

I гуруҳ	Боғланишли нутқининг ривожланиши ёшига тўғри келади (товуш талаффузида нуқсонлар йўқ, боғланган матнларни бемалол айтиб бера олади, нутқда фразеологик бирикмалар, мақоллар ишлатади)
II гуруҳ	Нутқининг ривожланиши динамик кузатув имконини беради (сўзлашувда тортинчоқлик сезилади, тарбиячининг ёрдами билан гапириб кетади)
III гуруҳ	Боғланишли нутқда бузилишлар кўринади (ёш нормаси чегарасида турган ёки товуш автоматизацияси босқичида бўлган товуш талаффузида кичик нуқсонлар мавжуд, ҳикоя қилиб бериш учун расм, ёрдамчи сўзлардан фойдаланади).
IV гуруҳ	Нутқ ривожланиш кўрсаткичи коррекцияга муҳтож, айтганингни такрорлайди

